

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 245 (245), 2020 йил 17 декабрь, пайшанба

www.yuz.uz [yuz.uznews](https://www.facebook.com/yuz.uznews) [yuz.uz_news](https://www.instagram.com/yuz.uz_news)



ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИҚДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 декабрь куни қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бу йил кузда кескин совуқ тушиб, об-ҳаво аввалги йилларга нисбатан эрта пасайди. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, иссиқлик таъминотида тез-тез узил-кесил бўлди. Бу вазият тармоқлар ва ҳудудларнинг қиш мавсумига тайёр эмаслигини аққол кўрсатиб берди. Яқинда бензин нархи ҳам ошди. Булар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— Менга баландпарвоз гаплар ва рақамлар керак эмас. Жойлардаги раҳбарларнинг ишлари натижасига ижтимоий тармоқларда ҳалқимиз ўзи ҳолис баҳо бermoқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, энергия ресурслари таъминотини яхшилаш чоралари муҳокама қилинди.

Қиш мавсумида тармоқ ва ҳудудларда узлуқсизликни таъминлаш учун суткасига 10-12 миллион киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Бу кўват-ноти «Тошкент», «Сирдарё», «Янги Ангрэн» электр станцияларидаги 900 мегаваттлик 5 та энергоблоки ишга тушириш ҳисобидан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Узилишларга, асосан, тақсимловчи тармоқларнинг 60 фоизи эскиргани ҳамда электр энергиясига талаб ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис паст ва ўрта кучлилик тармоқларни босқимча-босқим модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросига тезроқ киришиш зарурлиги таъкидланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида суткасига 20 миллион куб метр танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган.

— Газ тизими билан боғлиқ муаммолар бугун юзага келмагани, балки ўттиз йилдан бери бизни қийнаб келаётганидан барчамиз хабардормиз. Лекин бунини баҳона қилишга ҳеч қандай ҳақни йўқ. Ҳалқимизга газ керак, уларнинг қўлчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда, — деди Президент.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан кўрсатма берди. Бунинг ҳисобига кунига 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда ҳудудларга йўналтирилади. Шунингдек,

аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга «риск-сервис контракт» шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги айtilди.

Жойларда табиий газ ва кўмир таъминотида ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмагани билан боғлиқ эътирозлар ҳам борлиги қайд этилди.

Мисол учун, аҳоли ва ижтимоий объектлар учун ажратилган маҳаллий кўмирнинг 60 минг тоннаси ҳали эгаларига етказиб берилмаган. Муборақда ғишт ишлаб чиқариш заводи ер остидан ўтган газ қувурига ноқонуний уланиб, 4,3 миллион куб метр газни талон-тарож қилган. Бу 8 мингта хонадоннинг бир ойлик газ таъминотидир.

Шунингдек, жорий йилда 74 та тумандаги йирик газ тармоқларига замонавий ўлчагичлар ўрнатилгани натижасида 2 мингдан зиёд улгуржи истеъмолчилар томонидан 7 миллион куб метр табиий газ ноқонуний ўзлаштирилгани аниқланган.

Шулардан келиб чиқиб, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарликни кучайтириш тақлифи билдирилди.

— Бу йил қишни қандай ўтказамиз? Бугун ҳамма раҳбарлар шу саволга жавоб бериши керак. Ҳақиқатан ҳам, муаммолар жуда кўп. Уларни фақат маҳаллабай кесимда чуқур ўрганиш ва ҳал қилишга натижа беради, — дея таъкидлади Президентимиз.

Иссиқлик таъминотидаги 153 та қозонхона ва 2 минг 802 километр тармоқларни таъмирлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ис газ ва чаканлар билан боғлиқ ноҳуш ҳолатларга тўхталиб ўтди. Фавқулодда вазиятлар вазири билан Ёнгинога қарши курашиш бошқармаси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, тўдан ислоҳ қилиш, ёнгинога қарши профилактика ишларини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бош вазир ўринбосарига мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар этиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан узлуқсиз таъминлаш, қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича вазифалар қўйилди.

Йиғилишда яна бир долзарб масала — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуқсиз таъминлаш вазифалари атрофида муҳокама қилинди.

Нарх-навонинг ошиши кескин танқид қилинди. Бунинг олдини олиш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди. Ўтган ойлarda нарх-наво нисбатан ошган вилоят ва туманлар кўрсатиб ўтилди.

Мутасадди идораларга ҳар бир ҳудудда штаблар ташкил қилиб, бозорларда нарх-наво спекуляцияси ҳолатларининг қатъий олдини олиш вазифаси қўйилди. Ички ва ташқи бозорларда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари айланмасини, нарх-навосини, мавжуд эҳтиёж ва талабларни кўриб чиқиб, қиладиган идораларга ишчи гуруҳ тузилиши белгиланди.

Янги йил байрами арафасида талаб ошишини инобатга олиб, расталари маҳсулотлар билан тўлдириш, деҳқон бозорлари ва йирик савдо объектларида ярмаркалар ташкил этиб, уларга товарларни арзонлаштирилган нарҳларда етказиб бериш муҳимлиги қайд этилди.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ўзгариши прогноз қилинмоқда. Шу боис ички бозорга асосий турдаги товарларни кафолатли етказиб бериш учун махсус жамғарма ташкил қилиниб, 50 миллион доллар ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан биринчи навбатда ўсимлик ёғи ва бошқа зарур маҳсулотларни сотиб олиб, камида 3 ойлик захира яратиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳудди шундай ишлар ҳокимликлар қoшида ташкил этилган жамғармалар орқали ҳам амалга оширилиб, ҳар бир ҳудуд ўз захирасини шакллантириши кераклиги таъкидланди.

Бош вазирга озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ишларни мувофиқлаштириш, ички бозорларни таҳлил қилиб, уларга зарур озиқ-овқат маҳсулотларини интервенция қилиш, бу борада тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқ раҳбарлари ва вилоят ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА

Муносабат

Президентимиз ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида жорий йилнинг 12-13 март кунлари Хоразм вилоятида бўлган эди. Ташриф жараёнида ислохотларнинг бориши билан танишиб, воҳода йирик лойиҳаларни амалга ошириш, ташаббусларни рўёбга чиқариш, аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш бўйича масъулларга аниқ вазифаларни кўрсатиб берди.



ХОРАЗМНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧГАН ТАШРИФ

Давлатимиз раҳбарининг бу ва ундан олдинги йиллардаги ташрифлари, ҳақиқатан, халқнинг узоқ кутилган орзу-умидларини рўёбга чиқариш, янгиликларни оstonасига қадам қўйишига замин яратди. Ўтган қисқа вақт ичида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Хоразм воҳасида ҳам улкан янгиликлар ва ўзгаришлар рўй берди. Ҳудудда ишга туши-

рилган йигирмага яқин йирик лойиҳалар бошланган ишларнинг бир қисми, холос. Бир пайтлар фақат аграр соҳага ихтисослашган воҳа бугун сановатлашган ҳудудга айланиб борапти.

Президентимиз ислохотларнинг маҳаллабай тизимда қандай йўлга қўйилганини, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш ҳамда халқ билан мулоқот

қилиш мақсадида орадан роппа-роса тўққиз ой ўтиб яна Хоразм вилоятида бўлди. Шу боис, сафар чоғида жойлардаги учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларида билдирилган фикрларни жордошларимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Давоми 2-бетда

Ўзгаришлар суръати

ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ САМАРАЛАРИ



Президентимизнинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармонида жамиятимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш, давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш, халқимизнинг турмуши фаровонлигини ошириш

билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини Русланбек ДАВЛЕТОВ билан суҳбатимиз вазирлик тизимида мазкур йўналишда белгиланган вазифалар, 2020 йилги давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар, истиқболдаги вазифаларга бағишланди.

Давоми 3-бетда

Тараққиёт мезонлари

Жорий йилда мамлакатимизда шу пайтгача тайёрланмаган газобетон блоклар, гулгоз, керамогранит, қуйма пол, 600 маркали цемент, геосимтўр, пеноблок, шиша кристаллит, композит ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Юртимизда сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмапти.

Президентимизнинг тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган фармон ва қарорлари, қабул қилинган давлат дастурлари, улар ижросини таъминлаш, тармоқда ислохотлар самардорлигини ошириш тадбирлари натижасида бунёдкорлик қўламлиги тобора кенгайиб борапти.



ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

МУАММОЛАР ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПМОҚДА?

Тармоқда янги даврнинг бошланиши, тизимдаги муаммоларни аниқлаш, тан олиш ва очиклаш, айнақча, уларни ҳал этиш осон келгани йўқ. 2017-2020 йиллар давомида соҳани тартибга солуви жамаи 40 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилиниб, улар тизимда узоқ давр мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни тўдан ислоҳ қилишга қаратилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини ташкил

этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига кўра, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибий тўзимаси тўдан ўзгартирилди ва янги вазифалар қўйилди. Қўмитанинг ҳудудий бўлинмалари қўшимча штат бирликлари билан кенгайтирилди. Натижада 11 та ҳудудда «Ўзшаҳарсозлик» ва Самарқанд шаҳрида «Тошкентбошплан» лойиҳа институти филиаллари, шунингдек, 13 та ҳудудда 26 та етакчи лойиҳа ташкилоти очилди. Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари ҳамда 14 та қурилиш касб-хўрар коллежи қўмита тасарруфига ўтказилди.

Лекин соҳага доир норматив ҳужжатлар, жумладан, шаҳарсозлик қондалари ва қурилиш меъёрларининг аксарият қисми эскирган, собиқ тузум

даврдан қолгани тўғрисида ушбу меъёрларни замонавий талабларга мослаштириш долзарблигича қолди. Шаҳарларнинг бош режалари, қишлоқларда архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, қурилиш ва лойиҳалаш бўйича кадрлар тайёрлаш сифати ҳам талабга мутлақо жавоб бермас эди.

Хусусан, тизимдаги 500 га яқин вакант ўрин, жумладан, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлимларидаги 110 та, лойиҳа ташкилотларидаги 200 га яқин штат вакантлигича қилиб келган.

Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ БУТУН ИНСОНИЯТ МЕРОСИДИР

Тошкентда давом этаётган Ўзбекистон маданий мероси ҳафталигининг муҳим тадбири бўлган «Ўзбекистон маданий мероси — янги Ренессанс пойдевори» IV халқаро конгрессида халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, дунёнинг 40 дан ортки мамлакатидан 300 дан ортки таниқли олим ва тадқиқотчи, 1000 га яқин маҳаллий эксперт ва мутахассис офлайн ва онлайн шаклда қатнашди. Мамлакатимиз пойтахтидаги дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари «Дунё» АА мухбирига берган интервьюсида ҳафталикка оид таасиротлари билан ўртоқлашди.

Давоми 4-бетда

Хушхабар

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТўРТТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ



2021 йил учун энг кучли университетлар рейтингига киритилди

Quasquarelli Symonds халқаро агентлиги ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича 2021 йил учун энг кучли университетлар рейтингини эълон қилди. Ушбу нуфузли рейтингдан Ўзбекистон тарихида илк мартаба мамлакатимизнинг бирйўла тўртта олий таълим муассасаси — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат техника университети ўрин эгаллади.

Давоми 4-бетда



Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбасари

“БЕШИНЧИ АВЛОД” ТЕХНОЛОГИЯСИГА ЭГА ИССИҚХОНА

Президентимиз бундан уч йил аввал кескин континентал иқлимга эга воҳа шароитида йирик ҳажмли иссиқхоналар куриш...

мажмуани ўзига хос мактаб сифатида белгилаб, тадбиркорларни ўқитиш зарурлигини билдирди. Биз ҳам “Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишнинг янги тизими” бўйича тақдимот ўтказдик.

ридли. Албатта, бу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида вилоятнинг экспорт ҳажми кескин ошиб, минглаб янги иш ўринлари яратилади.

дунёнинг бошқа ҳеч бир давлатида учрамайди. Шу жиҳатдан, ушбу институтнинг Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифода этишдаги роли тобора ортиб бораётди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Маҳалла тизими жамиятимизнинг энг муҳим ва таянч бўғини ҳисобланади. Бойси, биздаги каби маҳалла институти

ХОРАЗМНИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧГАН ТАШРИФ



яниги тизимни йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги вазифаларни аниқлаш учун вазирлик ва тармоқлар, банклар вакилларидан иборат Республика ишчи гуруҳи вилоятдаги 519 та маҳалланинг муаммоларини ўрганди.

Тан олиш керак, ҳозирга қадар ислохотларни энг кўйи бўғинга етказишда маҳалланинг вазифалари нимадан иборат эканини унинг раислари ҳам, ҳаттоки, туман ҳокимлари ҳам яхши тушуномас эди.

“ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” БЕЛГИЛАНДИ

Урганч шаҳрида вилоят фаоллари ва тармоқлар мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ ҳужа

лиги, ишлаб чиқариш ва хизматларни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, кам таъминланганларни камбағалликдан чиқариш, маҳаллалардаги ижтимоий шароитларни яхшилаш каби долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама қилиниб, ҳар бир шаҳар ва туман, маҳаллаларда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, “ўсиш нуқталари” белгиланди.

Тараққиёт мезонлари

Алишер ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази бош илмий ходими



Ҳар томонлама салоҳиятга эга бўлган профессионал курилиш-пудрат ташкилотлари йўқ, улардаги мавжуд моддий-техник база, молиявий манбалар тобора ортиб бораётган курилиш ишлари ҳажмини тўлиқ қоплашга қодир бўлмаган аҳволга келиб қолган эди.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ

та шаҳарсозлик ҳужжатидан 18 та бош режа ва қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинлари ҳудудларини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этишининг 10 та лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўз навбатида, республика бўйича жами курилиш ишлари ўсиш суръати 2019 йил якуни бўйича 119 фоизга етиб, 68,9 триллион сўмни ташкил этди.

Жорий йилда эса қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ арзон, кўп қаватли турар жой барпо этилмоқда. Бу борадаги дастурлар бўйича тадбиркорлар томонидан банк кредити ва ўз маблағлари ҳисобидан жами 298 та кўп қаватли уй-жой (хусусий сектор) курилиши жадал тус олган.



вазирлик тизимидаги ташкилотлар замонавий компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланди. Курилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва курилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида курилиш-пудрат ташкилотлари фаолиятини баҳолаш рейтингни, ташкилотларнинг иختисослашуви, курилиш-монтаж ишлари турлари, доимий ишлайдиган ишчи-ҳодимлар сони, асосий ишлаб чиқариш воситалари тўғрисида маълумотларнинг ягона электрон базаси жорий этилди.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФТА МОС ВАЗИФАЛАР

Шиддат билан қад кўтараяётган ижтимоий объектлар, кўп қаватли турар жойлар ва, умуман олганда, барча турдаги бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, сифатли курилиш маҳсулотларига бўлган талабни кучайтирмоқда. Ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги энергия тежамкор курилиш материаллари ишлаб чиқариш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келиняпти.

қариши қувватлари ҳажмини 17 миллион тоннага, архитектура-курилиш ойнаси ишлаб чиқаришни 32 миллион квадрат метрга, ёғоч-қилиқ плитаси (ДСП) ни 380 минг, газобетон блоклари 700, кўп қаватли уйлар курилиши учун йирик панелли темир-бетон буюмларини 180 минг квадрат метрга етказиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 майдаги “Курилиш материаллари sanoatini жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳанинг яқин истиқболга мулкланган стратегиясини белгилаб берди. Унинг асосий мақсади тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хомашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва курилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга қаратилган.

САРМОЯ ВА СИФАТ — ЭКСПОРТ КАФОЛАТИ

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, айни кунда юртимизда 10 мингга яқин курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Бундан икки йил муқаддам бу борада 120 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бүгунги кунда уларнинг сони 180 тадан ошди.

Жорий йилда эса қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ арзон, кўп қаватли турар жой барпо этилмоқда. Бу борадаги дастурлар бўйича тадбиркорлар томонидан банк кредити ва ўз маблағлари ҳисобидан жами 298 та кўп қаватли уй-жой (хусусий сектор) курилиши жадал тус олган.

га нисбатан 109,3 фоизни ташкил қилган. Таъкидлаш жоиз, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш орқали маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатни ошириш устувор вазифалар сирасига кирди. Жумладан, 2020 йилнинг ўн бир ойида инвестиция дастурига асосан, 27 та лойиҳа доирасида 234,6 миллион долларлик (105 фоиз) маблағлар, шу жумладан, 163,4 миллион доллар (101,4 фоиз) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. 2021 йилда дастурга асосан, 32 та лойиҳа доирасидаги сармоялар 394,2 миллион долларга етиши, 284 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилиши кутилняпти.

ЦЕМЕНТ ВА ИННОВАЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

Шу ўринда бир жиҳат эътиборни тортади. Кейинги йилларда хорижий компанияларнинг курилиш хамиртуруши ҳисобланган цементга бўлган тақлиф ортиб борапти. Айни кунда юртимизда ҳам мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишга иختисослашган 29 та корхона бўлиб, уларнинг йиллик қуввати йил охирига бориб 20 миллион тоннани ташкил қилади.

ҳиссаси катта. Тез орада яна 10 дан ортиқ янги цемент заводини ишга тушириш режалаштирилган. Мазкур корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида барпо этилади. Мисол тариқасида Тошкент вилоятидаги “Охангаронцемент” АЖ ҳудудида қад ростлаётган улкан цемент заводи лойиҳасини олайлик. Ҳозирги кунда бу ерда ускуналарни ўрнатиш ва соғлаш ишлари олиб борилмоқда. Умумий қиймати 160 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилган, йиллик қуввати 2,4 миллион тоннага тенг бўлган корхона ўз ишини бошлади. Бу ерда 400 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Бошланчи 1-бета

— Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилатган ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Адлия вазирлигининг бу борада фаолияти қандай натижа бермоқда?

— Давлат бошқарувининг тегишли соҳаларида маъмурий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга салбий таъсир ўтказиётган тизимли муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш Адлия вазирлигининг асосий функцияларидан бири. Сўнгги икки йилда вазирлик томонидан ушбу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 50 та давлат бошқарув органлари фаолияти таҳлил этилди. Мисол учун, йўл ҳўжалиги, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, ўрмон ҳў-

жалиги, туризм, табиатни муҳофазалаш, муҳофазатчилик ва фармацевтика соҳасида давлат бошқарувининг самарадорлиги ўрганилди ва аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш бўйича тақлифлар тақдим этилди. Ҳаётимизда 25 та давлат бошқарув органлари фаолиятида жами 48 та ўзаро тақрирланувчи функциялар мавжудлиги, 36 та давлат бошқарув органлари томонидан ҳўжалик субъектларининг 50 та функцияси қўшиб олиб борилиши соғлом рақобат муҳитига тўсқинлик қилиши аниқланди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 28 та ҳўжалик бошқарув органларининг тартибга солиш функцияларини тегишли давлат органларига уларнинг ҳўжусятларини инобатга олган ҳўлда ўтказиш ва ҳўжалик бошқарув органларига тақдим этилган. "Рақобат тўғрисида"ги қўнун ҳўжжатларига мувофиқ бўлмаган барча индивидуал имтиёз ва преференцияларни бекор қилиш нўқтани назардан таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижасига қўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳаларини бошқариш тизимини тўздан такомиллаштиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, вазирлик томонидан тадбиркорлик субъектларига имтиёз ва преференциялар тақдим этиш амалиёти ва уларнинг натижадорлиги таҳлил қилинди.

Давлат бошқаруви тизимини бюрократиздан холи қилиш ва фуқароларга янада энгиллик яратиш мақсадида вазирлик ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарор билан 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари фуқаролардан 28 турдаги ҳўжжатларни талаб қилиши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларни бериш амалиёти бекор қилинди. Ҳўқимликлар фаолиятига хос бўлмаган 11 та функция тегишли давлат бошқаруви органларига ўтказилди, фаолияти самарасиз деб топилган 29 та идораларро коллегиал органлар тугатилди.

Этиборлини шуки, юқорида қайд этилган қарор билан давлат органларида самарасиз йўғлишларни ўтказиш амалиёти бекор қилинди. Шунингдек, қўғозбозлиқни бартараф этиш мақсадида 2021 йил 1 январдан давлат органларида ҳўжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш фақат электрон кўринишда шакллантирилиши ва амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки даражасини янада қисқартириш бўйича ўтказилган таҳлил натижасига қўра, ҳўсусий сектор самарали фаолият юритаётган соҳаларда давлат қорхоналарини тугатиш ва уларни ташкил этишни чеклаш, шунингдек, уларга берилган солиқ ва бошқа имтиёзларни қайта кўриб чиқиш масаласида тақлифлар ишлаб чиқиш, тегишли органларга тақдим этилди.

Ҳўқимликлар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни чиқариб ташлаш мақсадида ўтказилган таҳлилга асосан, ҳўқимликларнинг бошқа давлат органлари функцияларини тақрирловчи 70 та фаолият йўғлишлари рўйхати шакллантирилди. Ҳўқимликлар фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида вазирлик томонидан "Маҳаллий давлат ҳўқимияти органлари тўғрисида"ги қўнуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда ҳўқимликлар фаолиятининг асосий йўғлишлари, уларнинг фаолиятини баҳолаш тартиби, бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари қамраб олинган.

Шунингдек, вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва давлат

— Сўғги йилларда малакали юридик ёрдам ва ҳўқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Жўмладан, янги қабул қилинган қўнун ҳўжжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича адлия органлари томонидан 520 мингга яқин ҳўқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.



ҲўҚУҚИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МУҲИМ САМАРАЛАРИ

— Бу соҳадаги ислохотлар фуқароларни ортқича оврагарчиликлардан ҳалос қилиш, уларни қўйнаётган муаммоларга чек қўйиб, ишларини тезроқ битиришга ёрдам беради. Фуқароларнинг давлатга ва давлат органларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга эришилади. Шу боис, бу соҳадаги ишларни замон талаби даражасига олиб чиқиш устувор вазифа. Бироқ, афсуски, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қўнун қўра кирганига икки йил бўлганига қарамай, ҳанузгача бу борада қўтилган натижаларга эриша олмаймиз. Бунга маъмурий органлар ҳўқимликларнинг қўнундан тартали даражасида хабардор эмаслиги, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракати ва қоролардан норози бўлган фуқароларнинг даъволари бўйича иш кўришда маъмурий судлар томонидан айнан "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қўнуннинг кўлланилмаслиги сабаб бўлмоқда. Мисол учун, биргина 2019 йилда маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳўқуқий масала бўйича қарийб тўрт мингга нисбатан кўриб чиқилган бўлса-да, улар томонидан маъмурий қоролар ва ҳаракатларнинг атиги 24 таси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қўнунга асосланиб ҳақиқий эмас, деб топилган. Айнан шунинг учун ҳам маъмурий судларнинг фақат маъмурий ва бошқа оммавий ҳўқуқий мўносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга иктирослаштирилиши ва маъмурий ҳўқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилганлиги айни мўддао бўлди.



Яна бир муаммо, ҳалигача масъул ташкилотлар томонидан лицензия ва руҳсатнома бериш, давлат рўйхатидан ўтказишга оид шу каби қўнун ҳўжжатларини "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қўнунга мувофиқлаштириш чоралари кўрилмаган ҳўлатлар учрайди. Ушбу қўнун республикадаги барча маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солиш норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларнинг асосий фундаментига айлантириш лозим.

Қўнуннинг ишлаб кетишига тўсиқ бўлган омиллардан яна бири — унинг мўрақаб эканлиги, яъни ҳалқчил тилда баён қилинмаганлиги. Шундай экан, маъмурий тартиб-таомилларнинг тўғли тартибга солишчи ва бу борада сўзсиз фундаментал асос бўлувчи мукамал ва ҳалқчил норматив-ҳўқуқий асоси яратмасдан туриб, бу соҳани жамият ҳаётига сиғдириш жўда мушкул масала ҳисобланади. Демак, бу соҳада олиб борилаётган энг муҳим ислохотлардан бири — мамлакатимизда янги ҳўқуқ институти сифатида шаклланиб бораётган маъмурий тартиб-таомилларнинг тўғли қамраб оладиган янао ҳўжат "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қўнуннинг янги лойиҳасини ишлаб чиқиш.

ФХДЭ архивларида сақланаётган қоғоз шаклидаги 60 миллиондан ортиқ архив маълумотларининг 85 фоизи рақамлаштирилди. Бундан ташқари, туғилиш билан боғлиқ бўлган 5 турдаги давлат хизматларини ФХДЭ органи орқали туркум (композит) тарзда кўрсатиш тартиби жорий этилиб, бир вақтнинг ўзига туғилишни қайд этиш, болани поликлиникада рўйхатга қўйиш, турар жойи бўйича ҳисоб олиш, суюнчи пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш хизматлари қамраб олинди.

— Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрни яхшиланганига тўсқинлик қилаётган ҳўқуқий омиллар ҳақида нима дея оласиз? Бундай муаммоларнинг ечими борми?

Вазирлик томонидан бу борада қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин, биз иш олиб бораётган сиёсий-ҳўқуқий соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларнинг мазмун-моҳиятига ва шаклланишининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратасан. Аввало, шунинг айтиши керакки, бу соҳадаги халқаро рейтинг ва индексларни шакллантиришда давлат органлари томонидан тақдим этилаётган ахборотлардан фойдаланилмайди. Аксинча, уларнинг методологияси асосан мўстақил ахборот манбаларига таянади. Мисол учун, ҳўқуқ устуворлиги индексига тўғталладиган бўлса, ушбу индексни шакллантиришда юқорида саналганлардан асосан, иккита ахборот манбаи, яъни, аҳоли ва экспертлар урғасига эътибор натижаларига кўпроқ таянилишига гувоҳ бўлишимиз мўкин. Албатта, бунда индексни тузувчилар олигани натижаларини бошқа халқаро таҳлилларнинг тадқиқотлари билан солиштириш ва ўз таҳлилларини ҳам ўтказиши мўкин. Бироқ бирор-бир аниқ статистик маълумотга таянилмайди.

Шундай экан, халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда мамлакатимизга берилаётган баҳоларнинг саволларининг ижросини таъминлашдир. Факримизни далиллаш учун биргина Жўҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторлари таркибига эътибор қаратасан. Демак, ушбу рейтинг жами 6 та мўстақил индикатордан иборат бўлиб, улардан бири "тартибга солиш сифати"ни баҳолайди. Ушбу индикатор бўйича мамлакатимизнинг ўрни анчагина паст даражада — 2019 йил якунларига қўра, 214 та мамлакат ичида 182-ўринни қайд этганмиз. Бу эса, ушбу йўғлишдаги ишларимизни жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони қабул қилинди. Биргина мана шу ҳўжат билан эскирган деб топилган 500 га яқин норматив-ҳўқуқий ҳўжат ўз қўчинини йўқотган деб эътироф этилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги тизимиде Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармаси ташкил этилди. Энди ушбу тизимамиз давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳўқимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга услубий ёрдам кўрсатиб боради. Яъни, бу соҳада олдин ўз ҳўлига ташлаб қўйилган ишлар тартибга тушади.


Аҳамият берилса, сиёсий-ҳўқуқий соҳадаги барча рейтингларнинг қорропия муаммоси билан боғлиқ индикаторлари бор. Корропия муаммоси эса асосан унга шароит яратадиган омиллар, шу жўмладан, қўнун-ҳўжжаларидеги корропияген нормалар тўғайли ҳам келиб чиқайди.

Шу боис, эндиликда ана шундай нормаларни аниқлаш ҳам янги ташкил қилинган бошқарма томонидан амалга оширилади. Хўсусан, норматив-ҳўқуқий ҳўжжатлар лойиҳалари корропияга қарши экспертзадан ўтказиб борилади ҳамда аниқланган корропиявий омилларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўрилиб, тавсиялар ишлаб чиқарилади. Қўлаверса, корропиянинг келиб чиқишига шароит яратётган қўнунчиликдаги ҳўқуқий бўлиқлар, қондалар ва нормаларни аниқлаш, норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларни амалиётда кўллашдаги корропиявий хавфларни таҳлил қилиш ишлари тизимли ташкил қилинади.

Истиқболдаги режаларга тўғтал, ҳўдудларда маҳаллий давлат ҳўқимияти органларининг қўнунийлиқни, ҳўқуқий-тартиботини ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашдаги маъмуриятини янада ошириш борасида ўзининг ҳолисона баҳо бериш тизимини шакллантириб олишимиз лозим. Шундан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан ҳўдудлардаги ҳўқуқ устуворлиги ҳўлатини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Ҳўқуқ устуворлигининг таъминланганлиқ ҳўлатини баҳолаш атоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

— Бугунги глобал пандемия даврида вазирлик аҳолининг,

«Янги Ўзбекистон» муҳбири Баҳор ХИДИРОВА сўхбатлашди.



Бир сўз билан айтганда, ислохотларнинг кўлами кенг, шиддати баланд. Ҳар бир чора-тадбир аниқ, манзилли, режали амалга ошириладиган жамиятимиздаги янгиланишлардан ҳалқимизнинг баҳрамандлигини оширишга замин яратмоқда. Ишончимиз қўмилки, бу ҳайрли ишлар илчил давом этади. **Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳўсилни бераётган ислохотлар илчил билан давом эттирилади**, ҳалқимизнинг розилигига эришимизда, юртимиз тарғибқўчинини янада босқичга кўтаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

меҳнаткашларнинг ҳўқуқ ва манфаатини муҳофазалаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшмоқда?

— Вазирлик томонидан пандемия даврида аҳолининг, хўсусан, меҳнаткашларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хўсусан, вазирлик томонидан доимий равишда амалга ошириб келинаётган "Инсон ҳўқуқлари — олий қадрият" лойиҳасини доирасида хўдмиларнинг олий иш ҳақини беришда қўнунчиликка риоъ этилишини ўрганиш юзасидан акция ўтказилди.

Акция доирасида жами 3 187 та мурожат келиб тушди. Мурожатларни кўриб чиқишда 6 838 та қўнун бўзиллиш ҳўлатлари аниқланган бўлиб, адлия органлари томонидан тегишли ташкилотларга 263 та тақдимнома (ҳўқуқ бўзилган хўдмиларга жами 8,5 миллиард сўмдан ортқ пуллик компенсация қопланиши сўралган) ҳамда 244 та оғўнома, шунингдек, судларга 6 миллиард сўмлик 1 475 та даъво аризация киритилди. Шу билан бирга, 98 та ҳўлатда айбдор шахсларни маъмурий (63 та шахс жавобгарликка тортилди) ва 1 та ҳўлатда

17 декабрь — Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўгли Огаҳий таваллуд топган кун

СУВ ВА СЎЗ САХОВАТИ



OGAHIY
1869 - 1874

Тарих тақдирлар билан тирик. Тарихимизда илм-фан, маданият ва санъатнинг тамал тошини қўя олган алломалар бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз ҳам албатта бўлади, дея ишонч билдирган, Учинчи Ренессанс даврига дадил қадам ташлашимизга руҳлантирган мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча Хоразм вилоятига ташрифи пайтида буюк мутафаккир, ер ва эл қадрини билган адиб Огаҳийнинг “илми бўлмаса, касби бўлмаса эртанги куни йўқ” деган фикрларини келтириб ўтдилар. Улуг мутафаккирлар қисматида муайян макон, замон ва касб муҳим ўрин тутлади. Бу фикр забардаст шоир, моҳир таржимон, мироб, тарихчи, олим ва улкан давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўгли Огаҳийга ҳам дахлдор.



Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
филология фанлари номзоди,
Тошкент ирригация ва қишлоқ
хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти доценти,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси.

эмас. Сўз тингловчига самара берсагина, таъсир этсагина айтиш заруратини шоир куюниш билан изхор этади. Дуч келган одамга сўз айтиш мумкин эмас, чунки унинг нодони ҳам бор. Жоҳилга айтилган сўз оқилнинг изтироби, бесамар ҳаракати. Шу тобда халқимизнинг “Сўзни гапир уққанга, жонни жонга суққанга”, деган мақоли ҳам беихтиёр ёдга келади. Огаҳий сўзни ҳис этмаганга сўзлаш деворга гапиргандай гап эканини уқтиромқчи бўлади.

Сўздор инсон кўнглида бир гавҳари қийматбахо
Они хор этма дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз.
Огаҳий Навоийнинг изидан бориб, сўзни қийматбахо гавҳарга қиёс қилади. Ҳазрат Навоий эса унинг муқаддас гавҳар эканини “Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин”, дея эътироф этади. Бу ўринда ҳар иккала адиб ҳам сўзнинг илоҳийлигига ишора қилиб, ибтидо ва интиҳога дахлдорлигини таъкидлаётгандек бўлади. Сўзни хор этиш хуши йўқ ҳайвонга сўз айтишга монанд эканини шоир ташбеҳона ифодалар билан тасвирлайди.

Ваҳ на янглиг билгуси ҳайвон гуҳарнинг қадрини,
Ким топар ҳаз этса ул кунжора-у сомонга сўз.
Ҳар бир нарсанинг ўз ўрни, кадр қиймати бор. Зар қадрини фақат заргар билгани каби ҳайвон учун гавҳарнинг қадри йўқ. Унинг учун кунжора ва сомон бўлса бас. Бу қайсидир маънода қорнидан бошқа қариндоши бўлмаган лоқайд кимсаларга эътироз ҳамдир.

Сўзни мафҳум айламак нофаҳмага мушкулдурур
Ким бўлиб сўз аҳли бағри қону бутгай қонга сўз.
Энг қийин жиҳати шуки, ақл-идрокдан бенасиб бефаҳм инсонга тушунтириш азоб. Чунки унинг фаҳм-фаросати ўзига яраша. Огаҳий ўз ҳаёти мобайнида бундай одамларга кўп бор учраган, уларни кузатган, ҳолига ачинган. Меҳрдан йироқ қаҳри қаттиқ инсон қалбини юмшатиш оғир эканини шоир яхши билади.

Сангдил жоҳилга тонг йўқ сўз агар қилмас асар,
Чунки таъсир айламак мумкин эмас сандонга сўз.
Қалби тош жоҳилга сўз айтишдан ҳеч қандай нафъ йўқлигини таъкидлаган шоир сандонга қарата айтилган сўзнинг таъсири бенафлигини ташбеҳона тарзда муҳрлайди. Сўзни зое қилиш вақтини, умрни зое қилиш демокдир. Айтилган сўз самара, натижа бермаса, бенишон узилган ўқдек таассурот қолдиради.

Ҳар хасосатшевага сўзнинг зойиё қилмағил,
Сўз демек истар эсанг, де соҳиб иҳсонга сўз.
Соҳиб иҳсон муруввати ва меҳри инсон демокдир. Уларнинг мурувватида муҳаббат, муҳаббатда мурувват бор. Чунки у инсонни қадрлар экан, мулоқот мезони бўлган сўзни ҳам қадрлашни билади. Фақат угина сўзни эъзозлайди.

У дунёнинг яралишидаги моддий асослардан бири — сувга эътибор билан қарайди. Ернинг қони, экиннинг жони бўлган сув шоирнинг имкони ва дармони бўлган сўз билан ёнма-ён келади. Сув танага қанчалик озиқ бўлса, сўз қалбга ҳам шу даражада малҳам бўлишини ҳис этган шоир кўнглида ҳар иккаласи учун жой ажрата олди. Сувнинг йўналишини белгилаш учун мироблик салоҳияти, сўзнинг ўрни ва моҳиятини ҳис этиш учун донишмандлик қобилияти зарур. Ҳар иккаласи ҳам Огаҳий сиймосида уйғун.



Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибят: (0-371) 233-56-60 Ёшларлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru



Қадим ва ҳамиша навқирон Хива буюк олимлар, шоирлар, алломаларга бешик бўлган замин. Шоир, тарихчи, таржимон ва давлат арбоби Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўгли Огаҳий ана шундай улугларимиздан бири. Кейинги йилларда Огаҳий ҳаёти ва ижоди кенг ўрганилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бобомиз асарларини ўрганиш, ёшларнинг мумтоз адабиётимизга бўлган меҳр ва иштиёқини мактабданоқ шакллантиришдек савоб амалларга қўл урилди.

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБЛИК АНЪАНАСИ

Сарвар АБДУЛЛАЕВ,
Огаҳий ижод мактаби директори

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартдаги “Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўгли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори билан бобомиз яшаб ўтган масканда она тили ва адабиёт фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга иختисослаштирилган мактаб-интернет фаолият бошлагани воҳалик иқтидорли йигит-қизлар учун айна мудоао бўлди. Огаҳий ижод мактаби фаолияти йўлга қўйилишидан кўзланган мақсад иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва уларнинг ҳар томонлама баркамол воғая этиши учун шарт-шароитлар яратиш, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш орқали Огаҳий издошларини тарбиялашдан иборат. Шунингдек, эски ўзбек ёзуви ва форс тилини чуқур ўрганиш орқали иқтидорли ўқувчилардан бўлгуси манбаунослар этиштиб чиқишга эришишни ҳам мақсад қилганмиш. Негаки, архивларимиздаги мумтоз адабиёт ва фанга оид асар асарлар айнан шу тилда битилган. Уларнинг қўпчилиги ўз тадқиқотчиларини қутиб турибди. Бошланган эзгу ишларнинг вилотиамиздаги бир қўриниши бўлмиш мазкур замонавий ижод мактаби қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 28 миллиард сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Таълим даргоҳимиз “Эски Қиёт” маҳалласида — шоир номи билан аталувчи боққа ёндош жойда, икки ярим гектарли майдонда бунёд қилинган. Бу мажмуа таркибига

вий интерактив доскалар, компьютерлар ва проекторлар етарли. Президентимизнинг ёш авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш, иқтидорлари намоён бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича қабул қилган фармон ва қарорлари илк медаларини мактабимиз мисолида кўришимиз мумкин. Ўқувчиларимиз бир қатор танловлар ғолибларига айланди. Ҳосила Озодова ва Фарангиз Иброҳимова инглиз тили фанидан “Spelling bee” нодавлат миллий олимпиадаси ғолиблари сафидан ўрин олган бўлса, Бобохон Юсупов халқаро SEAMO олимпиадасида бронза медални қўлга киритди. Ўғилжон Омонова “Камалак анжумани” танловининг мамлакат босқичида иккинчи ўрин соҳибасига айланди. Ўқувчиларимиз доимий равишда “Китоб ва ёшлар”, “Энг яхши китобхон” каби қўриқ-танловларда нафақат мактабимиз, балки вилотиамиз шарофтини ҳимоя қилишга киришган. Ҳар йили декабрь ойининг иккинчи ўн кўнлигида кенг нишонланадиган “Огаҳий кўнлари” адабиёт байрамининг бош мезонлари ҳам ўзимиз. Шунинг ўзиёқ эндигина тамал тоши қўйилган ижод мактабининг қисқа фурсатларда эришган маррасини кўрсатади. Қўрида эслатилган ҳукумат қарори билан Огаҳийнинг йигирма жилдлик асарлари чоп қилиниши белгиланган. Ҳозиргача уларнинг 11 жилди ўқувчилар қўлига етиб борди. Бу наشرларнинг тақдирлари ҳам бизнинг мактабда бўлиб ўтди. Ижод мактабимизда салоҳиятли муаллимлар сабоқ бераётганини ҳам аллоҳида қайд этиш ўринли. Тошкент давлат шарқшу-



уқта ўқув биноси, ўқувчилар учун юз ўринли ётоқхона, ошхона, шунингдек, босмахона ва бошқа ёрдамчи бинолар кирди. Жуда сўлим ва гўзал бир маскан, десак муболаға бўлмайди. Гўёки шу тароватли масканда ҳаммиша Огаҳий бобомизнинг мунаввар руҳи кезиб юрагандек.

Ҳозир мактабимизда 118 нафар иқтидорли ўқувчи таҳсил олмақда. Мактаб дастурига кирган 10 та фан бўйича барча жиҳозларга эга ўқув хоналари, робототехника, моделлаштириш, креатив ижод ҳамда бошқа инновацион технологияларга эга лаборатория ва хоналар мавжуд. Ижод мактабимизга хорижий педагогларни ҳам жалб қилиш режимида бор.

Мактабимиз ўқув дастури умумтаълим мактаблариникидан фарқ қилади. “Махсус адабиёт”, “Нутқ маданияти ва нотиклик санъати” каби қўшимча фанлар киритилган. Ижод мактабига иқтидорли ўқувчилар қатъий танлов асосида қабул қилинади ва ҳар 3 йилда қайта синовдан ўтказилади. Ўқувчиларнинг нафақат маъна, балки жисмонан баркамол ўсиши учун замонавий спорт майдончалари ишлаб турибди. Ўқувчилар кунига 4 маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланади.

Каттагина китоб фондига эга кутубхонамизда Алишер Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Республика болалар кутубхонаси фондлари билан болганиш имкони бор. Интернет бепул. Бир сўз билан айтганда, таълим ва тарбия бақамти, барча шариотлар муҳайё қилинган. Таълимни юқори савияда ташкил этиш учун замонавий технологияларга асосланган ўқув жиҳозлари, жумладан, энг замона-

нослик университети ҳамда Урганч давлат университети билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Ўқувчиларга таниқли шарқшунос олимлар, десак муболаға бўлмайди. Гўёки шу тароватли масканда ҳаммиша Огаҳий бобомизнинг мунаввар руҳи кезиб юрагандек.

Жамоамиз ўз олдида истиқболли режаларни қўйган. Келаси йиллардан бошлаб битирувчиларнинг камида 90 фоизи олий ўқув юртиларига киришига эришиш, салоҳиятли ёшларни аниқлаб, иқтидорини ривожлантириш, ижодкор йигит-қизларнинг илк тўпчаларини китоб ҳолида чоп этиш шулар жумласидан.

Ижод мактабимиз иттиқлари салмоқли, натижалар қувонarli. Буларнинг барчаси дунё сахнига тенгсиз иқтидорлари билан чиқётган янги Ўзбекистонимизнинг нақарда бой миллий меросга эгаллиги ва бу мерос бугунги авлодлар авайлаб-асраб, келажак авлодларга етказуви кўпrik бўлаётганидан, ислохотларнинг янги босқичи кудратидан далолат.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Салим Дониёр**
“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3540.
41787 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: **Муножат Мўминова**
Мусаҳҳих: **Ойдин Аляутдинова**
Дизайнер: **Зафар Бақиров**
Манзили:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқуни — 22:40 Топширилди — 23:05